

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2026 йил 20 январь куни, Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанцияси ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи: В.Сиддиков, ҳайъат судьялари: М.Абдубаннабов ва Б.Хайдаровдан иборат таркибда, Н.Миллажоновнинг котиблигида, тарафлардан вилоят прокуратураси бўлим прокурори Н.Азимов, ҳимоячи А.Садиковнинг иштирокида, ХХХга оид жиноят ишини унинг апелляция шикояти асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Данғара туман судининг 2025 йил 11 декабрдаги ҳукмига кўра:

ХХХ, 1987 йил 21 сентябрда Қўқон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Данғара туман судининг 2010 йил 11 мартдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган, Қўқон шаҳар, Сарбоз кўчаси, 45-уй, 8-хонадонда яшаган, 2025 йил 14 ноябрда қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилган, Ўзбекистон Республикаси ЖК 251¹-моддасининг 3-қисми билан 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, ХХХ 2023 йил 4 май куни соат 15¹⁵ да махсус харидор Э.Абдуназаровга 719 дона елим флаконда бўлган таркибида кўп миқдордаги 71,9 грамм тропикамид модда сақловчи “Тропикамид 10 мл” ёзувли психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи дори-воситаларини қонунга хилоф равишда ўтказмоқчи бўлганида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланиб, кўп миқдордаги кучли таъсир қилувчи моддаларини ўтказганликда айбланган.

ХХХ шикоятида, жиноят ишини одилona кўриб чиқиб, суд ҳукмини бекор қилишни сўраган.

Шикоятга нисбатан эътирозлар келиб тушмаган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси Б.Хайдаровнинг маърузасини, прокурор Н.Азимовнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш, судланган ХХХ ва ҳимоячи А.Садиковларнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Биринчи инстанция суди иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, ҳукмда судланган ХХХнинг эълон қилинган айбловга муносабатини ёритиб, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо бериб, асосли равишда рад этилган ва судда текширилган далиллар - судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам



оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқланиш учун етарли деб ҳисоблаб, унинг юқорида қайд этилган жиноятни содир этганлиги, ўзининг айбига қисман иқрор бўлиб берган кўрсатуvidан ташқари, гувоҳ Л.Юлдашев, А.Ахмедов, З.Ҳолматов ва Д.Красновларнинг кўрсатувлари, ашёвий далилни олиш ва кўздан кечириш баённомалари, суд кимёвий экспертизасининг хулосалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тасдиқланганлиги тўғрисида асосли хулосага келиб, унинг ҳаракатлари ЖК 251¹-моддасининг 3-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

ХХХ шикоятда, суд ҳукмини бекор қилишни сўрасада-да, унинг бу вазлари, гувоҳ Л.Юлдашевнинг, тадбир иштирокчилари улар билан бирга боришиб ўзларини хизмат гувоҳномаларини кўрсатишиб, ушбу кўлидаги пакетда нима борлиги тўғрисида сўрашганида, улардан бири ўзини “Абдуназаров Элёр” деб, автмомашинада келган шахс ўзини “ХХХ” деб таништириб, ушбу “Элёр” исмли танишига қора рангли полиэтилен пакетда “Тропикамид” дори воситаларни сотиб бериш учун ташлаб кетаётгани, ушбу дори воситаларни “Элёр” ҳар бир флаконини 100.000 сўмдан сотиб пулини бериши кераклиги, ушбу дори воситаларни “Элёр” исмли танишини хонадонига кириб, санокдан ўтказишмоқчи бўлиб турганликларини билдиргани ҳақидаги;

гувоҳ З.Ҳолматовнинг, 2023 йил 4 май куни Қўқон шаҳар ҳудудида таксислик қилиб келаётган вақтида соат 16¹⁰ ларда чақирув тушгани, шунда у ушбу чақирувни қабул қилиб, ушбу шахс билан телефон орқали гаплашганида манзилни тушунтириб ўтгани, шу орада у айтилган жойга келганидан кейинчалик таниган судланувчи ХХХ кўлида қора рангли полиэтилен кўтариб чиққанииб, у автомашинасини бошқариб, ХХХ Қўқон шаҳар, А.Т.Хуқандий мавзеси томонга юришлигини тушунтириб ўтганлиги, у айтилган манзил бўйича олиб борганида у автомашинадан тушиб, қопни олиб бир ёки икки қадам юриши билан уни ёнига ДХХнинг маскали ходимлари келишиб ушлашгани, ходимлар қопни очиб кўришганида унда “Тропикамед” номли дори воситалари борлиги ҳақидаги;

гувоҳ Д.Красновнинг, Наркология диспанцерида мудир лавозимида ишлаши, ХХХ ИИБ ходимларига қўлга тушган куни суд-кимё лабораториясидан ўтказилмаганлиги сабабли, текширув вақтида спиртли ичимликларга нисбатан ҳам, тропикамид дори воситасига нисбатан ҳам қарамлик ҳолатлари шаклланмагани, қарамликнинг ўткир рухий бузилиш аломатлари кузатилмагани, шунинг учун экспертлар комиссияси ХХХ спиртли ичимликларни ҳам, тропикамид дори воситасини ҳам ҳар-ҳар замонда эпизодик равишда истеъмол қилиши, лекин алкоғолга тобелик ва заҳарвандлик касалликларига чалинмаганлиги боис у тиббий йусиндаги мажбурий даволаниш чорасига муҳтож эмаслиги ҳақида 193-сонли экспертиза хулосасини беришгани, ХХХ 1 кунда 5-6 марта томиздириши, бу билан у 1 кунда 1 дона флаконда бўлган тропикамид дори воситасини истеъмол қилишлигини, агар шахс тропикамид дори воситасини ҳар-ҳар замонда эпизодик равишда истеъмол қилса у 719 дона флаконда бўлган тропикамид дори воситасини 2 йилдан ошиқ муддат давомида истеъмол қилишлиги ҳақидаги кўрсатуви билан рад қилади.

Бундан ташқари, иш ҳужжатларидан аниқланишича, шахс 719 дона флаконда бўлган тропикамид дори воситасини 2 йилдан ошиқ муддат давомида истеъмол қилади, лекин шахс 6 ой давомида “Тропикамид” дори воситасини



1 кунда 1 флакон истеъмол қилса токсикомания касалиги билан чалиниб, 1 кунда 2 флакон ва ундан кўпроқ флаконни истеъмол қилади, шахс тропикамид дори воситасини ҳар-ҳар замонда эпизодик равишда истеъмол қилса 719 дона флакондаги дори воситасини бемалол 2 йилдан ошиқроқ вақт давомида истеъмол қила олади.

Ишда аниқланган ҳақиқий ҳолатларга кўра, судланган ХХХ 2023 йил 4 май куни ўтказилган тезкор тадбирда, кўп миқдордаги 71,9 грамм тропикамид моддасини Кўқон шаҳар, А.Х.Хуқандий мавзеси, 60-уй ёнида Э.Абдуназаровга қонунга хилоф равишда ўтказмоқчи бўлганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан қўлга олинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, маҳкумга ахлоқан тузалиши, у ва бошқа шахсларнинг жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши;

ЖПКнинг 455-моддасида, ҳукм айбдорга нисбатан жазо у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ва унинг шахси эътиборга олиниб тайинланган бўлса, адолатли деб эътироф этилиши белгиланган.

Суд ХХХга жазо тайинлашда, юқоридаги қонун талаблари ва Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 3-бандидаги, жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

26-бандидаги, озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса қўлланилиши ҳақидаги тушунтиришларига риоя қилиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолат йўқ деб топиб, судланмагани, айбига қисман иқрорлигини енгиллаштирувчи ва ғаразгўйлик ниятида жиноят содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, модда санкциясида кўрсатилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, адолатли ҳулосага келган.

Зеро, суд томонидан ХХХга нисбатан жазо у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ва унинг шахси эътиборга олиниб, тури ва миқдори жиҳатдан меъёрида тайинланиб, бу билан жазолашдан кўзланган мақсадга эришилади.

Бундай ҳолда, суд ҳукмини қонунсиз, асоссиз ва адолатсиз деб топиш мумкин эмас.

Юқоридагиларга кўра, апелляция инстанцияси ХХХга оид суд ҳукмини ўзгаришсиз, унинг апелляция шикоятини эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497²⁶ ва 497³¹-моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати



XXXга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Данғара туман судининг 2025 йил 11 декабрдаги ҳукми ўзгаришсиз, унинг апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажрим устидан Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи: /имзо/ В.Сиддиқов

Ҳайъат судьялари: /имзо/ М.Абдубаннабов

/имзо/ Б.Хайдаров

Ажрим нусхаси аслига тўғри, судья Б.Хайдаров

